

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ МОДДИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимини шакллантириш, Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга фаол қатнашаётган қарияларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган фахрийларнинг моддий таъминотини янада кучайтириш мақсадида:

1. 2021 йил 10 майдан бошлаб 1941-1945 йиллардаги уруш ноиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни

инобатга олган ҳолда — 2,5 миллион сўм этиб белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2021 йил 11 май

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хизматлар соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш, жойларда хизматлар соҳасидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш буйича ўз ечимини кутаётган муаммоли масалаларни ҳал қилиш, мазкур йўналишда тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида:

1. 2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

иқтисодий ўсишни таъминлашда хизматлар соҳасини муҳим драйверга айлантириш ва 2023 йилга қадар хизматлар ҳажминини икки бараварга ошириш;

аҳолига тайёр бизнес режалар ва лойиҳалар тақдим этиш, уларни касбга ўқитишдан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга бўлган бошқичларни қамраб олувчи “комплекс хизматлар” кўрсатишни ташкил этиш;

республикада хизматлар соҳасининг ривожланганлигини баҳолаш тизимини жорий этиш орқали давлат органлари

ва ташкилотларининг бу борадаги фаолияти самарадорлигини ошириш ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини кучайтириш; хизматлар соҳасида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб хизматлар турларини кенгайтириш, ҳудудларда, айниқса, қишлоқ жойларда транспорт, молиявий, шунингдек, банк, туризм ҳамда савдо хизматлари қамровини кенгайтириш;

республиканинг барча ҳудудларида мавжуд таълим ва соғлиқни сақлаш хизматлари салоҳиятини ошириш, уларнинг сифатини яхшилаш, бунда хусусий секторни жалб қилиш учун қулай иқтисодий ва инфратузилмавий шароитларни яратиш.

2. Қуйидагилар: 2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари 1.1-1.15-иловаларга мувофиқ;

Хизматлар соҳасини ривожлантириш буйича 2021 йилга мўлжалланган “йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги

(С.Холхўжаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 ва 2023 йиллар учун хизматлар соҳасини ривожлантириш буйича “йўл хариталари”ни ҳар йили 1 декабрга қадар ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда 2021-2023 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳудудий дастурларини тасдиқласин.

Бунда, ҳудудий дастурларга ташаббускор тадбиркорларнинг ғоялари асосида аҳолининг эҳтиёжи мавжуд хизматларни йўлга қўйиш буйича лойиҳаларни кириштириш, шунингдек, жойларда мазкур хизматларни кўрсатувчи “хизмат кўрсатиш мажмуалари”ни ташкил этилиши назарда тутилсин.

4. 2021 йил 1 июлдан бошлаб республика ҳудудларида қуйидагиларни назарда тутувчи хизматлар соҳасининг ривожланганлиги рейтингини жорий этилсин:

хизмат кўрсатувчи, шу жумладан, янги ташкил этилган субъектлар сони, хизматлар ҳажми ва турлари, яратилган иш ўринлари, солиқ базаси ва бошқа муҳим кўрсаткичлар асосида

тегишли соҳаларга масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ва бошқарув ходимлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)лар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини баҳолаш;

хизматлар соҳасининг ривожланганлиги рейтингини “BUSINESS INDICATOR” автоматлаштирилган онлайн ахборот тизимида шакллантириш, юритиш ва эълон қилиш;

баҳолаш натижаларини ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш; баҳолаш натижалари буйича тегишли ташкилотларнинг раҳбар ва бошқарув ходимлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)лар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари ижобий кўрсаткичга эга бўлганда — уларни рағбатлантириш ҳамда қоникарсиз кўрсаткичга эга бўлганда — интизомий жавобгарликка тортиш.

Давоми 2-бетда

## ДИЛ СЎЗИ

### “ЎЗБЕКИСТОН БУГУН ЯНА МЕҲР МАМЛАКАТИГА АЙЛАНДИ”



Урушнинг оти ўчсин. Кўп дўстларимиз кўз олдимизда, ёнимизда жон берди. Мен ҳам оғир жароҳат олиб, жанг майдонидан қолиб кетдим. Фронтидан “ўлиб” қайтганман. Уйга қора хат келган экан. Худо ризқ бериб, яшаб юрибмиз.

Ҳозиргидек тинч, озода кунларни кўриш у вақтлар катта армон эди, мудом кўрқув, хавотир домида яшаганмиз. Яратганга минг шукр, шу кунларга етдик. Кунни кеча Шавкат Миромоновичнинг табрик хатини, пул мукофотларини, совғаларини олган эдим. Бугун набирам келиб, яна бир хушxabар айтди.

Муҳтарам Президентимиз уруш қатнашчиларининг пенсиясини оширибди. Барака

топсин. Юртимизда кўп яхши ишлар бўляпти. Ўзим кўчага кам чиқсам-да, кўзимдан нур қочиб, қулоғим сал панд берса-да, болаларнинг гап-сўзидан, ҳаракатидан, юз-кўзидан сезман бунини. Фарзандларим келажагидан кўнглим тўқ. Ҳаммаси яхши.

Ўзи одам қариганда бир оғиз ширин сўз, озгина эътибор, меҳрга ўч бўлиб қоларкан. Тўғри, камимиз йўқ, фарзандларимиз ардоғида яшаймиз. Лекин одамга давлат раҳбарининг эътибори барибир бошқача таъсир қилади. Ҳали ватанга керакдек ҳис қиласан ўзингни.

Президентимиз бугун одамлар билан учрашиб, уйлارга кириб меҳмон бўляпти. Халқни эшитаяпти. Бунда ҳикмат кўп. Биттасини айтсам: Ўзбекистон бугун яна меҳр мамлакатига айланди. Қариялари, фарзандлари, аёллари эъзозланган юрда доим тинчлик-хотиржамлик бўлади, халқ мурод-мақсадига етиб яшайди.

Бугун бизнинг қўлимиздан келгани дуо: дунёимиз тинч, ризқимиз бутун бўлсин, давлатимиз раҳбари халқни ўйлаб чарчамасин, бизни уйлаганлар муродиغا етсин, ишларига барака берсин.

**Самандар ХУДОЙБЕРГАНОВ,**  
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси  
Хоразм вилояти

## БУГУННИНГ ГАПИ

### ШОҲОНА ДАФТАРЛАР ЁХУД НАЖОТ ҚАЛЪАЛАРИ



Абдусайд КЎЧИМОВ,  
ёзувчи

Меҳнат одамни боқадди, тарбиялайди, улугълайди деганда, беихтиёр ибтидоий замонлару ярим-яланғоч авонинг тошу таёқлар билан баҳайбат мамонтларни овлаши ва инсониятнинг зинамазина ўсишида меҳнатнинг хизмати нақадар улканлиги эсга тушади.



Сўнг меҳнатсиз яхши яшаш, дуруст еб-ичиш, бежирим кийимниш даргумонлиги, мириқиб ишлаганнинг эса роҳатланиб ухлаши, эртанги ҳаёт учун куч тўплаши ўта бошлайди хаёлингиздан. Шу зайл меҳнатнинг қадри тўғрисидаги ҳикматлар кучоғида ҳақиқатлар дарёси шарқираб оқиб ётганига амин бўласиз.

Аммо тану жонингиз саломат, етти мучангиз бақувват бўлса-ю, ишлайдиган жой бўлмаса, нима қилмоқ керак? Мисол учун, деҳқон бўлсангиз-у далангиз, ишчи бўлсангиз-у корхонангиз, муаллим бўлсангиз-у мактабингиз, шифокор бўлсангиз-у шифохонангиз бўлмаса... Янаям теранроқ англайсиз иш ўрни дегани

инсоният тараққиётининг энг биринчи омили эканини. Айни чоғда, фуқаролари иш билан таъминланган мамлакатлар қанчалар тез ўсгани-ю, таъминланмаганлари нега жойида депсиниб, муаммолар гирдобиди қолгани ҳам аён бўлади.

Давоми 3-бетда

## ҚИЁСИЙ РАҚАМЛАР

Ўзбекистоннинг тўқимачилик маҳсулотлари экспорти

2000 йилда — 235,6 миллион  
АҚШ доллари



2010 йилда — 637,2 миллион АҚШ доллари

2020 йилда — 1 миллиард  
922,4 миллион АҚШ доллари

Манба: Давлат статистика қўмитаси

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТАНАСИДАН БОШLANADI

### ТАЪЛИМ ДАРГОҲИДАГИ ЁРУҒ ЎЙЛАР

Ижодий-маданий ишлар буйича тарғиботчилик жараёнидан лавҳалар

Болалигимда мактабимизда бирон шоир келганини эсломайман. Туман газетаси мухбирларини ҳам тахририятга илк машқларимизни кўтариб борганимизда кўрангимиз. Аммо адабиёт қалбимизга синфхоналарда кириб келгани рост. Эски, буялавериб ранги унққан парталарда, улкан деразалардан катта ҳаёт кўриниб турадиган синфхонамизда адабиёт фани ўқитувчимиз шундай чиройли шеърлар ўқидики, вужудимиз қўлоққа, борлигимиз қалбага айланарди ўша чоғ. Дунёни ўзгаллик, ахшилик, ҳалоллик ва имон кўтқаришини ўша шеър дostonлардан, ҳикоя, қиссалардан англаганмиз.

Бугун кенг ва ёруғ синфхоналарга болалик хотираларини излаб боряпмиз, соғиниб қиряпмиз. Йиллар — тажриба, йиллар — тараққиёт. Илгариги эски мактаблар ўрнида бугун замонавий, қулай ва шинам илм масканлари қад ростлаган. Энди ижодкорлар бу масканларга фақат тадбирларга қақирладиган, муҳим саналардагина эсланадиган инсон эмас, балки мактабининг ўз ўрнига, маошига эга ходими, ёшларнинг устози сифатида бормоқда.

Бу ишнинг мазмун-мундарижаси, мақсади не эди асли?

Президентимизнинг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан эндиликда мактабларда ижодий-маданий масалалар буйича тарғиботчи лавозимини учун 0,5 штат бирлиги ажратилди.

Давоми 6-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиш 1-бетда

5. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан хизматлар соҳасини ривожлантириш учун тижорат банкларида **300 миллион АҚШ доллари** эквивалентда кредит линияси очилсин.

Белгилансинки: кредит линиясининг **150 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағлари (1-транш) 2021 йил 1 июлгача **3-иловага мувофиқ** тақсимот бўйича ажратилади;

кредит линияси маблағлари тижорат банкларида 7 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз бандга паст қилиб берилди;

кредит линиясининг **2-транши** 1-траншнинг ишлатилиши самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тақлифига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тақсимот бўйича ажратилади;

тижорат банклари томонидан кредитлар **4-иловага мувофиқ хизматлар соҳасидаги лойиҳаларни** амалга ошириш (молия соҳасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар ва хизматлар соҳасида айланма маблағларни тўлдириш ҳоллари бундан мустасно) учун 5 йилгача муддатга Марказий банкнинг асосий ставкасида битта лойиҳа бўйича 2 миллиард сўмгача миқдорда ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тижорат банклари кредитлари ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳаларга қўшимча равишда лойиҳа ташаббускорларнинг камида юқорида кўрсатилган миқдорлардаги ўз маблағлари ҳисобидан қўшимча лойиҳалар ишга туширилиши таъминласин.

6. “Узмиллибанк” АЖ тижорат банкларида қайта молиялаштириш мақсадида 2021 йил якунига қадар 28 та йирик ва ўрта шаҳарларда

туризм, транспорт, тиббиёт, таълим объеклари ва йирик савдо комплексларини ташкил этиш лойиҳалари учун халқаро молия институтларининг **200 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағларини жалб қилсин.

7. “Узмиллибанк” АЖ ҳузурида **Хизматларни ривожлантириш бўйича лойиҳа-таҳлил марказ** (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов) ва Марказ билан биргаликда хизматлар соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда аҳолини касбга ўқитиш бўйича ўқув курсларини ташкил қилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2021-2023 йиллар давомида **ташаббускор тадбиркорлик субъектлари томонидан** 5-иловага мувофиқ туман (шаҳар)ларда **деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари барпо этилиши**да кўмаклашсин;

Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар йирик шаҳарларда, вилоят ва туман марказларида ташаббускор тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда **савдо ва кўнгилочар кўчалар** ташкил этилишини таъминласин.

9. Янги ташкил этиладиган **деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари** устав капиталида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мажбурий иштироки бекор қилинсин.

10. **Савдо ва кўнгилочар кўчаларда:** кўчма савдо объекти учун жойлар тадбиркорлик субъектлари электрон онлайн-аукцион асосида сотилсин;

барча тадбиркорлик субъектлари жамоат хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилган ҳолда, **24 соат** мобайнида туну кун фаолият юритиш ҳуқуқи берилсин.

11. Ички ишлар вазирлиги Миллий гвардия билан биргаликда бир ой муддатда савдо ва хизмат кўрсатиш объектининг 24 соат мобайнида туну кун фаолият юритишига доир жамоат хавфсизлиги бўйича соддалаштирилган талабларни ўрнатишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ички ишлар вазирлиги (П.Бобононов) ҳамда Давлат божхона қўмитаси (М.Азимов) билан биргаликда божхона постлари ҳудудидаги бўш ер участкалари ҳамда 6-иловага мувофиқ йўл-патруль хизмати постлари ҳудудидаги ер участкалари тадбиркорлик субъектларига **савдо ва хизмат кўрсатиш объекти**ларини барпо этиш учун ажратилишини таъминласин.

Давлат божхона қўмитаси (М.Азимов) **икки ҳафта муддатда** тегишли идоралар билан биргаликда божхона постлари ҳудудидаги бўш ер участкаларининг тасдиқланган рўйхатини ўз расмий веб-сайтига жойлаштирсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим этсин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган ер участкалари тадбиркорлик субъектларига лойиҳа асосида савдо ва хизмат кўрсатиш мақсадларида енгил турдаги қурилмалар барпо этиш учун камида 3 йил муддатга ижарага берилди.

13. Давлат органлари ва ташкилотлари жойлашган ер майдонлари ва бино-иншоотлардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича ишчи гуруҳи 7-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳи (Ж.Қўчқоров) **икки ой муддатда:** ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида давлат органлари ва ташкилотлари учун бино ва иншоотлар қуришни мақбуллаштирган ҳолда уларни тадбиркорлик субъектларига тегишли биноларда ижара асосида

жойлаштириш тизимини кенг жорий қилиш чораларини кўрсин;

дастлабки босқичда Тошкент шаҳрининг Олмазор, Миробод ва Яққасарой туманларида давлат органлари ва ташкилотлари жойлашган ер участкалари ва бино-иншоотларни хатловдан ўтказган ҳолда, уларнинг майдонларини танқидий кўриб чиқсин ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш объектиларини барпо этиш учун ажратиш мақсадида мақбуллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

Бунда, давлат органлари ва ташкилотларида бўш турган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги ПҚ – 5053-сон қарорига мувофиқ штат бирликлари мақбуллаштирилиши натижасида бўшаган ер участкалари, бино-иншоотлар ва жойлар мавжудлиги инобатга олинсин.

14. **2021 йил 1 сентябрдан бошлаб** масофавий (онлайн) таълимга асосланган нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш учун мулкӣ ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида биноларнинг мавжуд бўлиши ҳақида талаб бекор қилинсин.

15. Давлат статистика қўмитаси 2021 йил 1 октябрга қадар хорижий ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда хизматлар статистикасини юритишни, жумладан, ахборот-коммуникация ва дастурлаш хизматларини ҳисобга олиш методологиясини халқаро стандартлар асосида такомиллаштирсин, республика ҳудудларида хизматлар соҳасининг ривожланиш ҳолатини ҳамда самарадорлигини таққослаш имконини берувчи ҳисобот шакллари ва методологияларни ишлаб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси  
ПрезидентиТошкент шаҳри,  
2021 йил 11 май

## Ш. МИРЗИЁЕВ

## МУНОСАБАТ

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИБ, КЎЛАМИ ЯНАДА КЕНГАЯДИНўзмон МУҲАММАДИЕВ,  
Давлат хизматлари агентлиги  
директори ўринбосари

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги ислохотлар натижадорлигига оид тақдиротлар билан танишар экан, соҳани ривожлантириш, аҳолига қулайликларни янада ошириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди. Тақдирот чоғида тизимдаги қатор муаммолар ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинди.

Фуқаролар эмас, хужжатлар  
ҳаракатланмоқда

Ҳар бир ишда таҳлил ва таққос муваффақиятга йўл очади. Оддий мисол. Бундан 3-4 йил аввал ота-оналар фарзандини мактабга ёки боғчага жойлаштириш учун қанча овора бўларди. Таъмагирлик авж олган эди. Ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олиш учун қишлоқдан туман марказига бориб, қанча вақт ва маблағ сарфланарди. Бундай мисоллар жуда кўп. Бугун давлат хизматлари маҳаллаларгача кириб бормоқда.

Шу ўринда мамлакатимизда сўнги йилларда давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими яратилгани, бунинг учун Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилгани, ўтган вақт мобайнида агентлик тизими такомиллашиб, хизмат қамрови кенгайиб бораётганини таъкидлаш ўринли.

Энг муҳим рақамларга тўхталиб ўтсак. Давлат хизматлари марказлари орқали тадбиркорлик субъектларига дастлаб 37 турдаги давлат хизмати кўрсатилган бўлса, бугунги кунда улар сони 157 тага етди. Айни пайтда аҳолига кунига ўртача 57 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Утган даврда 70 дан ортиқ хизматлар тўлиқ қайта кўриб чиқилиб, соддалаштирилди. Талаб этиладиган хужжатлар сони 221 тадан 95 тага, хизмат кўрсатишнинг умумий муддати қарийб 499 кундан 271 кунга қисқартирилди.

Туғилиш билан боғлиқ бўлган 5 турдаги давлат хизматларини ФХДЁ органи орқали яхлит тарзда кўрсатиш тартиби жорий этилди. Яъни бир вақтнинг ўзига туғилишни қайд этиш, болани поликлиникада рўйхатга қўйиш, турар жойи бўйича ҳисобга олиш, суяюнчи пулини тайинлаш ҳамда давлат мактабгача таълим муассасасига навбатга қўйиш хизматлари қамраб олинди. Натижада 15 дан ортиқ хужжатлар қисқарди, 4 та идорага боришга чек қўйилди.

Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида Халқ қабулхоналари ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда сайёр қабуллар ташкил қилинди. Махсус жиҳозланган транспорт воситалари ёрдамида мақбул, қулай ва шаффоф усуллардан фойдаланган ҳолда, аҳолига 700 мингдан ортиқ сайёр хизматлар кўрсатилди.

Яна бир муҳим жиҳат. Давлат хизматлари кўрсатишда янада қулайликлар яратиш мақсадида Электрон рақамли имзо сертификатини онлайн олиш имконияти яратилди. Натижада фуқаролар масофадан туриб давлат хизматини олиши мумкин бўлди.

Соҳада ўтказилган ислохотлар самарасида Ўзбекистон Жаҳон банкнинг “Doing business” индексида “Бизнесни рўйхатдан ўтказиш” кўрсаткичи бўйича 190 та давлат



орасида 8-ўринни эгаллаб, биринчи бор топ-10 таликага кирди.

“Қарши шаҳар тажрибаси”, “Бухоро тажрибаси” асосида “марказ — маҳалла — фуқаро” тамойили бўйича давлат хизматларининг ҳар бир оилга кириб бориши таъминланмоқда. Жумладан, аҳоли ўртасида хизматларни электрон олишда 1 500 дан ортиқ маҳалла ва 700 га яқин умумтаълим мактабида “маҳаллабай” ва “хонадонбай” тарғибот ишлари ташкил қилиниб, аҳоли электрон давлат хизмати-дан фойдаланиш бўйича ўқитилди.

Сўнги йилларда бу йўналишда қатор янгиликлар, хусусан, аввал мавжуд бўлмаган “қайта алоқа” тизими жорий қилинди. Бу нима дегани? Шу чоққача давлат хизматлари марказларига мурожаат қилган фуқаро бир қанча вақтдан кейин ёзма ёки озаки равишда жавоб оларди. Ҳозир эса, мурожаатчига ижтимоий тармоқдаги телеграм бот орқали қисқа вақтда автоматик тарзда

қайта алоқага чиқилади. Фуқаро талабига кўра, хизматлар жойлардаги операторлар томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин. Қайта алоқага чиқилган, тегишли мутахассислар билан биргаликда мурожаатчи муаммосига ечим топилади.

Тизимда қандай янгиликлар  
кутиляпти?

Хизматлар қамрови ва тезкорлигини ошириш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам бор. Масалан, зарур маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилмагани боис, атиги 11 фоиз хизматлар электрон шаклда кўрсатилмоқда. Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мобиль иловаси орқали 30 турда хизмат кўрсатиш мумкин, холос. Унинг атиги 11 таси интерактив хизматлардир. Электрон идентификация тизими ҳамда электрон рақамли имзо билан ишлаш ривожланмаган.

Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг янада ривожлантириш бўйича Президентимиз белгилаб берган йўналиш ва кўрсатмаларнинг биринчиси, бу — сифат масаласи бўлди. Яъни тизимда сифатни таъминлаш орқали ҳар бир фуқарога коррупциясиз, тез ва шаффоф хизмат кўрсатиш, уларнинг муаммоларини энг қисқа вақт ҳамда қулай усулда ҳал этишга эришиш зарур. Бу нафақат шаҳарлар, балки туман ва қишлоқларда ҳам амалга оширилади. Шаҳардаги стандартлар барча ҳудудларда бирдек ишлаши лозим.

Иккинчи йўналиш, бу — тизимни рақамлаштириш. Айниқса, бугунги ривожланган даврда мазкур соҳа келажакни рақамли иқтисодиётсиз тасаввур этиш қийин. Бунда, аввало, шу вақтгача қозғалган мавжуд бўлган хужжатларни электрон тизимга ўтказиш орқали кейинги босқичга ўтилади. Ҳозирги пайтда мобиль иловалар ривожлантирилади. Бундай қулайликларни

давлат хизматлари кўрсатиш тизимига ҳам жорий этиш замон талаби. Одамлар давлат билан бўладиган ҳар қандай муносабатини уйда утирган ҳолда, замонавий технологиялар орқали ҳал эта олиши керак. Аста-секин бунга эришилмоқда ҳам. Оддий мисол, ФХДЁ тизимидаги 60 миллионга яқин хужжатларини рақамлаштириш якунланди. 2021 йил 1 январдан барча давлат органлари мана шу тизимдан фойдаланишни бошлади. Бунинг натижасида 660 минг фуқаронинг мурожаати ташкилотга келмасдан туриб, тезкор ҳал бўлди. Кўплаб давлат органлари бир-бири билан ана шундай интеграция асосида хизматлар кўрсатишни бошлади. Бу аҳолининг камида 8 миллиард сўмини иқтисод қилишга замин яратди.

Этибор қаратилиши лозим бўлган яна бир йўналиш — эҳтиёжни тўғри прогнослаштириш олиш имконияти. Бу ҳозирдан фуқаролар орасида эртага қандай эҳтиёжлар шаклланади, уларни қийнаётган асосий муаммолар нимага асосан иборат эканини таҳлиллар асосида ўрганиш зарурлигини аналтади. Соҳани нафақат оддий таҳлиллар, балки илмий таҳлиллар асосида ўрганиш лозим.

Бугун аҳоли орасида “сервис давлат” деган янги тушунча пайдо бўляпти. Яъни фуқароларга хизмат кўрсатиш функцияси биринчи даражага чиқаяпти. Тақдиротда мана шу вазифалар бўйича ҳам кўрсатмалар берилди. Ҳозир акселератори тизимини жорий қилиш, давлат хизматлари реестридан жой олган 700 дан ортиқ хизматлар турини кўриб чиқиш, қайсыларини аҳолига тезроқ етказиш керак, деган саволга ечим топиш ҳамда бу ишларни илмий таҳлиллар асосида амалга ошириш юзасидан вазифалар белгиланди.

“Давлат идораларининг  
халқимизга хизмати  
одамларни рози қилишининг  
асосларидан бири”

Президентимиз айтган бу гап фаолиятимизни янги тамойиллар асосида давом эттиришда бош ғоя бўлади. Айни пайтда ҳар бир ишни қандай амалга ошириш бўйича механизм ва “Йўл харитаси” тайёрланмоқда.

Ҳозиргача эса, жараёни янада такомиллаштириш мақсадида “маҳаллабай” тизимида иш юритилиб, 1,5 мингдан ортиқ маҳаллага кириб борди. Бугунги кунда 205 та туман, шаҳарда давлат хизматлари марказлари ташкил этилди, марказларнинг 115 та филиали очилди. Жорий йилда олис ва чекка ҳудудларда яна қўшимча филиаллар очиб, бу рақамни 150 тага етказиш режалаштирилган.

БУГУННИНГ ГАПИ

ШОҲОНА ДАФТАРЛАР

ЁХУД НАЖОТ ҚАЛЪАЛАРИ

Бошланиш 1-бетда

Бундай азобларнинг нима экани бизга — кечагина унинг тахир ва аччиқ таъмини тотиб қўрганларга, айниқса, ойнадек равшан. Биз ишсизлик — ночорликка, ночорлик — умидсизликка, умидсизлик — ишончсизлик ва ғазабга, ғазаб эса турли қинғирлигу ўғрилик каби иллатларга айланишини ҳам кўрдик. Афсуслар бўлсинки, ҳали-ҳануз шу асоратнинг совуқ панжаларидан батамом қутулиб кетолганимиз йўқ.

Ишсизлик тўғрисида саҳродаги етим саксовулдай, поезд орқасидан мунгайиб қолган йўловчидай, чўл қаърига синиб кетаётган жилғадай маҳзун қиёфаларга тез-тез дуч келиш мумкин эди яқин-яқинларгача кўча-кўйда. Сўнаётган шам мисол хира эди уларнинг нигоҳлари. Не қиларин билолмай, тўда-тўда бўлиб ўзга юртларга мардикорликка кетаётганларнинг адоги кўринмасди. Мўйлови энди-энди майса бўлаётган ёш-яланглар, қаноти остида уч-тўрт талаб жўжалари бўлган эркеклар, муаллимлар, олимлар, ишчилар, хунармандлар — эҳ-хе, кимлар йўқ эди дейсиз уларнинг орасида. Уруш даврида қурол ишлатишни билмаган, ҳарбий дунё макрларидан беҳабар йигитлар жанг майдонининг энг оловли нуқталарига ташлангани сингари касби-кори йўқ, хорижий тиллардан беҳабар, Тўйтепадан нарини кўрмаган ёшлар мажбур эдилар ўзгалар эшигига қора юмушларни бажаришга. Ёноғидеги бир дона қора холи учун Самарқанд Бухорони инъом қилгулик сулув қизлар, гузал аёлларни айтмайсизми? Мунису мунир оналар-чи? Четдагилар тугул ўзимиздагилар, шу ердагилар-чи? Юраклар эзилб кетмасиди мардикор бозорларида мунгли кўзлари жавдираб турган қиз-жувонларни кўрганда? Эзилларди, қйналарди! Аммо илож қанча? Тубсиз қудуққа тушиб кетган-у, на ечимни, на илोजи йўқ эди гўё. Ҳамма изланиб, қидираётганга ўхшар, лекин дарак йўқ эди милтиллаган учқундан.

Шунинг учун бўлса керак, албатта, Шавкат Мирзиёев Президент вазифасини бажаришга киришган илк кунлардаёқ ишсизликни камайтириш давлат сиёсатининг бош бўғинига айланди. Янги иш ўринлари яратиш йўлида жаммики ички ва ташқи имкониятлардан фойдаланишга киришилди. Катта-кичик корхоналар ташкил этилди, тадбиркорлар, фермерлар, ишбилармонлар йўлидаги тўсиқлар олиб ташланди, банд парвоз учун мовий йўлақлар очиб берилди уларга. Хорижий инвесторларнинг келиши кўпайди. Мамлакатнинг қатор шахар ва қишлоқлари қурилиш майдонига айланиб кетди. Аммо шунча саъй-ҳаракатларга қарамай, ишсизлик, камбағаллик тугамади.

“Темир дафтар” деган атама ана шундай мурракб кунларда лугатимизга кириб келди. Бу дафтарнинг сирли-сеҳрли қудратини, у ҳадемай миллион-миллион қалбларда умид машъалларини аланга олдираганини унинг кашфиётчидан бошқа ҳеч ким билмас ва тўла-тўқис англамас эди ўша кунларда. Ҳатто ҳозир тан олиб қайд этиш керакки, бу тагин нимаси, нима дегани бу — “Темир дафтар?” дегувчилар ҳам мўл эди. “Темир дафтар”нинг ҳар саҳифаси юз минглаб қўли қалта ватандошларимиз учун нажот қалъасига айланиши, ростини айтман, менинг тасаввуримга ҳам сиққан эмасди.

Вазифам юзасидан Президентимиз ўтказаятган айрим машварат ва видеоселектор йиғилишларида иштирок этман. Эшитганларимни улгурганимча дафтарга ёзиб бораман.

“Ишсизликни тугатиш — ҳар бир раҳбарнинг виждон олдидаги, имон-эътиқод олдидаги, миллат олдидаги ҳисоботи бўлиши керак, — деди шунда йиғилишларнинг бирида давлатимиз раҳбари. — Мен Ватан ва халқ олдидаги бурчимни виждонан бажаряпманми, деган савол кечю кундуз қийнаши керак ҳар битта амалдорни. Бугундан бошлаб “Темир дафтар” ташкил қилинади. Даставвал, Ўзбекистонда қанча ишсиз ва қанча камбағал борлигини аниқлаб, “Темир дафтар”га ёзамиз. Кейин уларни биттама-битта ўрганиб, ҳар бирига аниқ ёрдам берувчи “Йул харитаси” яратамиз. Энди давлат хизматчилари кабинетни қўриқлаб ўтирмайди, кўчага чиқади, одамлар ора-

сига киради, қишлоқма-қишлоқ, уйма-уй юради, кўради, муаммони ҳал қилиш чораларини излайди, дастур тайёрлайди. Давлат хизматчиларининг давлатга садоқати ишсизликни камайтиришга қўшган ҳиссаси билан баҳоланади”.

Айтилган сўз — отилган ўқ. Отилан ўқ нишонга тегмаса, умидлар тош теккан чинидек чилчил синади. Яқин ўтмишда бот-бот дуч келдик бу ҳолатларга. Узилган умидларни пайвандлаш эса синиқ чиниларни бутлашдан қийин. Қийин юмушлар бошланди: масъуллар кабинетдан чиқди, катта амалдорлар паства тушди. Ҳар кўча, уй, гузар, қишлоқ ёки маҳалла пою пиеда кезилди. 2020 йилнинг 30 июнида Президент муаммага эътиборни янаям кучайтириш бўйича яна бир янги қарорни имзолади.

“Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” номли бу ҳужжатда мамлакатдаги манзара аниқ-тиниқ кўрсатилган эди. Масала қанчалар мураккаблигини тасаввур қилиш учун биргина рақамни тилга олам: 1 миллион 700 минг! Боқувчи-қаровчиси йўқлар, ногиронлар, камхаржлар, беморлар... Қисқаси, ана шунча аҳоли кўмакка муҳтож, дегани эди бу. Чет элларда эшикма-эшик юрганлар йўқ эди ҳали бу рўйхатда. Қарорга асосан, санокли кунларда юзлаб ишсизларга иш, уйга муҳтожларга уй-жой, ерсизларга ер ажратиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. 400 мингдан ортиқ кам таъминланганга тезлик билан республика бюджетидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Муаммолар ичига чуқурроқ кириб борган сайин номи “Темир дафтар”га муҳрланганлар сонни қайтариб, яна бир ҳақиқат ошкор бўлиб қолди: аҳоли қатламлари орасида ёрдамга муҳтожларнинг энг кўпи аёллар эди.

Сўнги уч йилда мамлакатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган 24 та ҳужжат, жумладан, иккита қонун, Президентнинг 6 та қарори ва фармони, Вазирлар Маҳжасининг 16 та қарори қабул қилинганига қарамай, аҳоли ана шундай сўлғин эди.

Давлатимиз раҳбари тақлифи билан “Темир дафтар”даги хотин-қизлар алоҳида ажратиб олиниб, “Аёллар дафтари” деган янги дафтар ташкил қилинди. Ҳар бир хотин-қизнинг чин аҳоли қандай, у нимага муҳтож, унга ким, қайси идора ёки ташкилот ёрдам беради — белгиланди ва зарур маблағ, субсидия ва бошқа ёрдамлар кўрсатилиш бошланди. Худди ўтган асрда Мирзақўлни ўзлаштиришда аввал йўллар очилиб, ариқлар қазилгани, тракторлар келтирилиб, чодирлар тиклангани, умуман, барча шароитлар яратилганидан кейин чўлга юриш бошлангани сингари.

Ҳозир мамлакат тақдирини туб бурилиш ясаган асос бўлган мажбур заргарона усулни ўйлаётган

Ахир, қишлоқ ёки гузар тугул, ўз оиланг муаммоларини бир ёқли қилолмай гангиб қоладиган замонда бундай зиёбахш йўлни топиш қанчалар ҳайратланарли! Қанча куч, уйлов, чидам... ва буюқ ватансеварлик, элсеварлик туйғулари жўш урмоғи керак бундай фазилатларга эга инсон қалбиди! Хуллас, қават-қават булутларни ёриб, оламни зиёга қумган қуёш сингари аста-аста яшнатиб, нурга чулғайверди ўзбекюртнинг дашту далаларини бу кашфиёт.

Ишларни янаям шиддатлантироқ учун 2021 йил 5 март куни Президентимиз навбатдаги қа-

ёлғиз аёлларнинг фарзандларини маданият ва санъатга қизиқтириш...

Кенгаш раиси уринбосари Қудратилла Рафиқов ақинда “Аёллар дафтари”даги хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди. Шу ўринда, мазкур йиғилишда қайд этилган куйидаги рақамларга эътибор беришингизни сўрайман: “Аёллар дафтари”га киритилган 433 минг хотин-қиздан 90 фоизининг муаммоси қис-

Яна бир меҳрибонлик: ҳар бир худуддан “Аёллар дафтари”даги 30 нафардан, жами 420 нафар хотин-қизни касбабо уюмлари тизимидagi санаторийларда бепул соғломлаштириш ишлари бошланди.

Чекка худудлардаги 50 та қишлоқда Қасаба уюмлари федерацияси томонидан гузаллик салонлари қурилмоқда. Пойтахтдаги “Ишга марҳамат” мономарказида бепул ўқитиш ишлари давом этаётир. Шунингдек, жорий йил 1 майга қадар 1 500 аёлнинг тарихий шахарларга саёҳати ташкил қилинди. Яна 50 минг аёлнинг мамлакатимизнинг тарихий шахарларига бепул саёҳатларини уюштириш режалаштирилган.

Булар — амалга оширилаётган савобли ишлардан бир шингил, холос. Бу “дафтар”лар юз минглаб қизу жувоннинг ҳақиқий сирдоши, кўмакдоши ва фикрдошига айланмоқда. Қанча ёшларга мададкор бўлди, қанча оилаларни турли қийинчиликлардан асради.

Ҳа, қувонч билан таъкидлаш мумкинки, “Темир дафтар”лар — шоҳона дафтарларга, шоҳона дафтарлар эса юз минглаб ёрдамга зор қалблар учун нажот қалъаларига айланиб бораётир.

Шу сўзлардан сўнг мақолага нуқта қўймоқчи бўлганман-у, нимадандир кўнглим тўлмайди, нилаларим ичимда қолиб кетаётгандай, нилаларидир бор буй-бастини кўрсатолмагандай сезяпман ўзимни.

Ҳайратларим давоми шеърга айланиб бораётгандай:

Қанча синиқ қалблар гамгин, паршон,  
Синиқ юдузлардек эдилар хира,  
Маҳзун лаъзаларда элпарвар ўлгон,  
“Темир дафтар”ларни қилди ихтиро.

“Ёшлар дафтари” деб аталди бири,  
Бошқиси “Аёллар дафтари” бўлди.  
Ҳадемай дафтарнинг саҳифалари,  
Ўқик кўнглимнинг дардига тўлди.

Худди эртақларда бўлгани мисол,  
Сирли мўъжизалар бошланди шунда.  
Довулга айланди саҳарги шамол,  
Ой гўё қўйша айланди тунда.

Қолмади на гузар, на кент, на қишлоқ,  
Сурурга кўмилди дашту далалар.  
Олвадек ярқаб ёнди қизалдоқ,  
Қирларни қоплаб алвон лолалар.

Кутлуг паноҳ бўлди қанча дилларга,  
Қанча армонларнинг ювди шўрини.  
Сочди қовжсираган қанча гулларга —  
Муҳаббат нурини, меҳр нурини.

Қанча булоқларнинг очди кўзини,  
Дарёга айланди қанча ирмоқлар.  
Султон кўчаларда кўрди ўзини,  
Чит боланг сўқмоқлар, сағир сўқмоқлар.

Мағрур учаётир чўмиб нуларга,  
Оппоқ кабутларлар — оппоқ каптарлар.  
Нажот қалъалари бўлмиш уларга  
Шоҳона дафтарлар — “Темир дафтар”лар.

Ҳадемай гулларга буркангай Ватан,  
Гулларга буркангай тозу тошчага.  
Ило, ёш қари бузун битта тан,  
Бугун элдошларим шашти бошқача.

Ҳадемай сизга ҳам қолмас эҳтиёж,  
Авлодлар эслашар, эҳтимол, қулиб,  
Сиз эса қолгайсиз бошингизда тож,  
Бугунги кунлардан хотира бўлиб.

Кечаги “Темир дафтар”лар бугун шоҳона дафтарларга айланмоқда. Эҳтимол, вақти келиб, “Темир дафтар”ларга ёдгорлик ўрнатилад. Ҳўш, нима бўпти? Бутун бир миллат ва мамлакат жонига оро кираётган, ишсизлик балосидан қўтулишига сабаб бўлаётган, нажот қалъаларига айланаётган муборак дафтарларга ҳайқаллар қўйилса, нимаси ёмон? Тўғрими?



рорини эълон қилди. “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” номли мазкур ҳужжатга асосан, 15 март куни Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ташкил этилди. Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева кенгаш раиси, Ўзбекистон Қасаба уюмлари федерацияси кенгаши раиси Қудратилла Рафиқов ўринбосар бўлди.

Кенгашнинг йигирмадан зиёд аъзоси бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида вазифа топширилди. Масалан, молия вазирга хотин-қизлар муаммоларини ўз вақтида молилаштириш, соғлиқни сақлаш вазирга хотин-қизлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишини ташкил қилиш, “Қизлар саломатлик марказлари”, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларидаги “Аёллар маслаҳатхоналари” фаолиятини тубдан яхшилаш, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирга республикада, ай-

қа вақтда ҳал қилинди. Хусусан, 253 мингдан зиёд ишсиз хотин-қиздан 209 минг нафарининг бандлиги таъминланди. 36 минг 394 аёлнинг 82 фоизи касб-ҳунарга ўқитилди. 69 минг 877 хотин-қизнинг 70,4 фоизига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кредит ажратилди. 15 минг аёлнинг 89,5 фоизига томорқадан самарали фойдаланиши учун кўмаклашилди. Қарийб 37 минг эҳтиёжманднинг деярли ҳаммасига моддий ёрдам кўрсатилди. Ижтимоий ёрдамга муҳтож, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган 30 мингга яқин хотин-қизнинг 97 фоизи моддий қўллаб-қувватланди.

Нотураж жойларда истиқомат қилаётган 9 минг 223 нафар хотин-қиздан 5 минг 101 нафарининг уй-жой шароити яхшиланди. Қарамоғида бир ва ундан ортиқ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган болалари мавжуд 8 минг 112 нафар ёлғиз аёлдан 7 минг 649 нафарига ҳар томонлама кўмак берилди. Шунингдек, тиббий ҳимояга муҳтож 44 минг 113 нафар хотин-қизнинг 96,5 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилиб, ҳуқуқий ёрдамга муҳтож 24 минг 664 нафар аёлнинг 98,6 фоизига ҳуқуқий, 23 минг 405 нафар хотин-қизнинг 99,3 фоизига психологик ёрдам кўрсатилди.

Шундай! Ҳозир юртимизнинг барча худудларида ижтимоий ҳимояга эҳтиёжи бор аёллар учун тизимли ишлар давом этаётир. Эътибор беринг, битта овул ёхуд маҳаллага эмас, ҳар битта инсонга масъуллар ажратилган, ҳар битта аёлнинг тақдирини билан боғлиқ масалани ечиш йўллари белгиланган, зарур маблағлар ажратилган. Қаредда, ким кўрган ёки эшитган бундай мукамал тизимни? Балки янги Ўзбекистон ҳам айнан шу нуқталарда кўрсатаётгандир янги жамолини? Балки ўзимиз сезмаган ҳолда Учинчи Ренессанс пойдеворига дастлабки гишларни қўяётгандирми? Ахир, янгиликнинг ёки Ренессанс осмондан тушиб, ердан чиқмайди-ку, тўғрими?

Яна бир муҳим жиҳат. Эндиликда ҳокимликлар, фермерлар кенгаши, банклар аёлларга деҳқончилик қилишда, маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотишда ҳар томонлама кўмаклашади. Дафтарга кирган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аёлларга кредит ажратишда эса Халқ банки билан бирга “Микрокредитбанк” ва “Агробанк” ҳам масъул.



ман-у, ўйлаган сайин ҳайратлар қуршовида ҳайрон қоляпман. Қизик, жаҳондаги мамлакатларнинг бирортасида бўлганмики ана шундай ҳаётбахш йўл? Қандай келди экан дунёга бу кашфиёт?

ниқса, чекка худудларда хотин-қизларни касбга ўқитишни ташкил қилиш, маданият вазирга ота-оналари узоқ муддатга хорижга чиқиб кетган, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК



Гулнора МАЪРУФОВА, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари

Чунки аёлга сен гўзалсан, муқаддасан деган бадий муносабат бугун уни нима қийнаётгани, жисмидаги ориқ нимадан, оиласида аҳоли қандай, болаларини қандай тарбиялапти, деган индивидуал ёндашув билан уйғунлашган. Аёлларнинг муаммоларини ҳал этиш борасидаги ислохотлар манзилли, эгали ва айнан шахсга йўналтирилганлиги билан янгича мазмун қаби этпти.

ОҚИЛА, БИЛИМЛИ, ТАДБИРКОР АЁЛ — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Мамлакатимиз тарихининг янги саҳифаларида аёл зотиға кўрсатилаётган бугунги юксак эътибор намуналари зарҳал харфларда битилади.

Сўнги йиллардаги ижтимоий-сиёсий ислохотлар ва аёллар масаласига янгича муносабатнинг юқори босқичга кўтариллиши натижасида уларнинг қатор муаммоларига ечим топила бошланди. Хусусан, ўтган даврда юзлаб қизларнинг олий маълумот олиши учун кенг имконият яратилди. Эҳтиёжманд минглаб аёлларга уй-жойлар берилди. Давлат қўллаб-қувватлови тўғрисида тадбиркор аёллар сафи янада кенгайди. Умуман, барча жаҳода аёлларнинг ўрни ва роли ошяпти. Нозик хилқат эгаларининг муаммосини ҳал этиш масаласини давлат ва нодавлат ташкилотлар олдиға қўя билиш позицияси кучайди.

Бу каби натижаларға эришиш учун, албатта, босқичма-босқич саъй-ҳаракатлар амалға оширилди. Айниқса, 2017-2018 йилларда аёлларға оид ислохотлар натижасида олти минг нафардан ортиқ аёл кадр захираси яратилди. Ушбу захира Ўзбекистоннинг кадрларға оид давлат сиёсати тамойилларига мос тарзда таш-

кил этилгани боис, муайян маънода янги-чи дунёқарашға эға, замонавий билимлар соҳиб бўлган аёл раҳбарларнинг сиёсий майдонға кириб келишиға асос бўлди.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизи хотин-қизлардир. Сенатда эса бу кўрсаткич қарийб 25 фоизға етди. Маҳаллий кенгашлар депутатларининг 31 фоизи аёллардан иборат. Шу каби дадил ислохотлар тўғрисида Ўзбекистон парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 128-ўриндан 37-пононаға кўтарилди. Шунингдек, олти аёл ҳоким лавозимида фаолият юритмоқда. Бир қатор соҳалар бўйича аёллар вазир ўринбосари даражасига кўтарилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ижтимоий фаол хотин-қизларни тизимли равишда ўқитиш, малакасини оширишни давом эттириш мақсадига юздан зиёд вазирлик ва идора билан ҳамкорликда раҳбарлик лавозимларига

захираға олиш учун интилувчан аёллардан иборат аёл кадрлар рўйхатини қайта шакллантирди ва такомиллаштирди. Бугунги кунда раҳбарлик лавозимларига захираға олинган аёл кадрлар сони 6 мингдан 15 минг нафарға етди.

Вазирлик ҳамда идоралардаги хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат кенгаши фаолияти натижасида барча даражадаги раҳбарлар аёлларға муносабатда гендер тенглик тамойиллиға алоҳида эътибор ва масъулият билан қарамоқда. Мазкур кенгаш зиммасига ойлик иш ҳақини белгилаш, лавозимларға тавсия этиш, захира кадрлар базасига хотин-қизларнинг номзодини кириштиш, уларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш, тайинлаш каби масалаларни таҳлил этиш, хотин-қизлар учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш каби вазифалар юкланган.

Шунингдек, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси,

Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши каби тузилмалар бугунги кун аёлининг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун шароит яратиш борасидаги ислохотларға ҳисса қўшиб келмоқда.

Қизларимизнинг таълим олиши, олий маълумотли, муайян касб эгаси бўлиши — бу шунчак оддий гап эмас. Фаолият ва тажрибадан маълумки, бугунги аёллар муаммоларининг илдизи маълумотни тўлиқ ва яхши олмастик, бирор касб эгаси бўлишаслик, ўз ҳуқуқини билмаслик каби оимилларға бориб тақалади.

Шу маънода, қизларнинг билимли бўлиши учун давлатимиз изчил чораларни кўрмоқда. Статистик маълумотларға қўра, Ўзбекистонда олий таълим муассасалари талабаларининг 47 фоизи, умум-таълим мактаблари ўқувчиларининг 48 фоизи қизлардир.

